E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

Рақамли иқтисодиётнинг тижорат банкларида мижозларга хизмат кўрсатишда тутган ўрни

Хайдаров Мирзабахром Комилович

Mirzabahromhajdarov @ gmail.com

Tel:+99899-109-79-85

Андижон машинасозлик институти магистранти

Аннотатция: Мақола банклар томонидан ракамли иқтисодиётда ахоли ва юридик шахсларга кўрсатиладиган хизматларни масофадан бошқариш ва банк хизматлари сифатини ошириш ва тезлатиш натижасида банк даромадларини купайритишда олиб борилаетган ишларни кўрсатиб беради.

Калит сузлар: IT, OILA KREDIT , SMART MARKET , MAXALLA , платформа.

Аннотация: В статье показана работа, проводимая банками в области дистанционного управления услугами, предоставляемыми населению и юридическим лицам в цифровой экономике, а также в распределении банковских доходов в результате повышения и ускорения качества банковских услуг.

Ключевые слова: IT, OILA KREDIT , SMART MARKET , MAXALLA , платформа.

Annotation: The article shows the work carried out by banks in the field of remote management of services provided to the population and legal entities in the digital economy, as well as in the distribution of bank income as a result of improving and accelerating the quality of banking services.

Key words: IT, OILA KREDIT , SMART MARKET , MAXALLA , platform.

Хозирги кунда иқтисодиётнинг тез ривожланишида рақамли иқтисодиётнинг ўрни жуда салмоқли бўлмоқда. Рақамли иқтисодиёт ишлаб чиқариш,хизмат кўрсатиш,таълим ва бошқа иқтисодиётнинг барча бўғинларига тадбиғ қилинмоқда. Ривожланган давлатларнинг иқтисодиёти ривожланишининг асосий сабаби фан техника ютуқларини иқтисодиётнинг барча тизимларига электрон иқтисодиёт орқали тадбиқ этишлидир.

Рақамли иқтисодиётни республикамизнинг барча давлат хизматлари ва иқтисодиётнинг барча сохаларига киритилиши жадал амалга оширилмоқда.

Электрон ҳукуматга доир элементларни татбиқ этиш ва рақамли иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш Ўзбекистоннинг яқин истиқболдаги тараққиёт режасидан мустаҳкам ўрин олган. Бу, биринчи навбатда, электрон ҳужжат алмашиш улушини янада ошириш ва давлат хизматларининг муайян қисмини Давлат хизматлари марказлари орқали босқичма-босқич равишда электрон шаклга ўтказиш вазифаларига тегишлидир. Телекоммуникация инфратузилмаси бу жараёнда муҳим вазифани бажаради.

Рақамли иқтисодиётга бўлган қизиқиш жамият ва иқтисодиётда рўй берган жиддий ўзгаришлар туфайли сезиларли даражада ўсди. Замонавий технологиялар ва платформалар мижозлар, ҳамкорлар ва давлат ташкилотлари билан шахсий мулоқотни минималлаштириш ҳисобига корхоналар ва жисмоний шахсларга харажатларни қисқартиришга ёрдам берди, шунингдек, ўзаро мулоқотни янада тез ва осон йўлга қўйишга имконият яратди. Натижада тармоқ ресурсларига асосланган, рақамли ёки электрон иқтисодиёт пайдо бўлди.

«Рақамлаштириш» сўзи аслида янги атама бўлиб, инновацион бошқарув ва иш юритиш жараёнига IT ечимларнинг жалб этилишини, бунинг самараси ўлароқ эса интернет буюмлардан тортиб, электрон ҳукуматгача бўлган барча тизимларда ахборот технологияларини қўллашни кўзда тутади.

Иқтисодиётнинг рақамли сегментига тегишли бош манба – тракзакцион секторнинг ўсишидир. Ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ЯИМнинг 70 фоиздан ортиқ миқдорни ташкил этиб, давлат бошқаруви, консалтинг ва информацион хизмат кўрсатиш, молия, улгуржи ва чакана савдо, шунингдек, хизматлар соҳасини (коммунал, шахсий ва ижтимоий) бирлаштиради.

Иқтисодиёт диверсификацияси ва динамикаси қанчалик юқори бўлса, мамлакат ичида ва ташқарисида ноёб ахборотлар айланмаси шунчалик кўп, миллий иқтисодиётлар ичида ахборот трафиги эса шу қадар салмоқли бўлади. Шу боис иштирокчилар сони кўп ва IT хизматлар кенг тарқалган бозорларда рақамли иқтисодиёт жадал суръатларда ривожланади.

Айниқса, бу – транспорт, савдо, логистика ва шу сингари интернет билан фаол ишловчи соҳаларга чексиз қулайликлар яратади. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, уларда электрон сегментнинг улуши ЯИМнинг 10 фоизига яқинлашиб, 4 фоиз аҳоли бандлигини таъминлайди. Энг аҳамиятлиси, бу кўрсаткичлар барқарор тарзда ўсиб боради.

Шубҳасиз, рақамли иқтисодиётнинг самарадорлигига нафақат ахборот технологияларининг қамрови ва инфратузилманинг мавжудлиги, балки ишбилармонлик муҳити, инсон капитали ва муваффақиятли бошқарув инструментлари каби стандарт иқтисодий мезонлар ҳам таъсир кўрсатади. Бинобарин, иқтисодий тараққиёт айнан уларга таянади, бу эса ушбу мезонларнинг рақамли иқтисодиёт ривожланишида аввалгидай муҳим ўрин тутишини билдиради.

Ҳозир бутун дунё бўйлаб янги сервислар ва бизнес моделларни яратиш учун IT инструментлардан фойдаланадиган эски ва янги компаниялар аксарият соҳаларда етакчи бўлган компанияларга кучли рақобат туғдирмоқда.

Прогнозларга кўра, яқин йилларда макроиқтисодиёт «lean production», аддиктив, нано ва биотехнология мезонларига таянадиган ишлаб чиқарувчиларга қаттиқ боғлиқ бўлиши кутилмоқда. Шу муносабат билан оқилона бошқарув учун зарур ҳисобланган ахборот кўлами ҳам ортиб боради, ишлаб чиқариш ва фуқаролар мулоқоти, бизнес ва давлат органларини бошқариш тузилмаси эса жиддий ўзгаришларни бошдан кечиради.

Қуйидагилар бунда ижтимоий ва иқтисодий тараққиёт йўлига босқичма-босқич чиқиш учун асосий шарт ва омиллар сифатида кўрсатилмоқда:

- ахборотлаштириш ва давлат бошқаруви органлари ҳамда муниципал хизматларни интеграциялаш ҳисобига электрон ҳукумат ва рақамли шаҳар концепцияларини татбиқ этиш;

- янги технологик авлоддаги маҳсулотларни ялпи ишлаб чиқариш (пилотсиз автомобиллар ва бошқалар сингари);

- ўзига хос безак ва қурилиш материаллари ёрдамида «ақлли» ва экологик уйларни барпо этишга оид ғояларни амалга ошириш;

E-ISSN : 2181-4341
https://wordlyknowledge.uz
IMPACT FACTOR(SJIF) : 3,934

- аутсорсинг, ўзини банд этиш ва бошқалар орқали бандликнинг муқобил шаклларини кенг тарғиб қилиш;

- муайян вазифаларни бажариш учун ишчи-фрилансерларни излашга хизмат қиладиган профессионал тармоқларни яратиш.

Юқоридагилар барчаси бизнесга ишлаб чиқариш ва бошқарувда товар ва электрон хизматлар интеграцияланадиган замонавий платформалар ёрдамида харажатларни қисқартиришга имконият беради. Биринчи галда бу масала хизматлар буюртмаси интеграцияси, ресурслардан биргаликда фойдаланиш, контрагентларни танлаш, электрон савдони юритиш, тўловлар ва бошқаларга тегишлидир.

Технологик рақамли муҳит – бу юридик ва жисмоний шахслар ҳамкорликдаги фаолият учун бутунлай янги мулоқотни йўлга қўядиган «аквариум» ҳисобланади. Ахборот технологиялари корхоналарга бутунлай янги, янада жадал иш суръатларини ўзлаштириш ҳамда хизмат ва маҳсулотлар шаклини хилма-хиллаштиришга имконият яратади. Бундан ташқари, тадқиқотчилар қисқа сақланадиган маҳсулотларнинг бозорга чиқарилиши ҳақида ҳам гапиришмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳаси ҳақида гапирадиган бўлсак, ахборот технологиялари кўплаб кундалик вазифаларни ҳал қилади, бунинг натижасида эса йирик кўламдаги амаллар тезроқ, арзонроқ, қулайроқ ва ўртадаги воситачиларсиз бажарилади.

Электрон савдо, интернет-банкинг ва бошқа шу каби замонавий йўналишлар кундан кунга ривожланиб бормоқда. Натижада даромадни ошириш учун аксар соҳаларда автоматик тармоқли сервислар (масалан, сифатли веб-сайт ёки мобил илова каби) бизнесдаги воситачилар ўрнини эгалламоқда.

Бунинг самараси ўлароқ бизнес хизматга белгиланган нархларни сезиларли даражада тушириши, макроиқтисодий йўналишда эса якка ишлаб чиқариш ва нотўлиқ бандлик кўрсаткичлари ўсиши мумкин. Шунингдек, краудфандинг ва краудсорсинг каби йўналишлар ҳам ҳозирда янги иқтисодий технологиялар сирасига киритилмоқда.

Иқтисодчиларнинг фикрига кўра, айни вақтда бу каби ўзгаришлар натижасида қўшимча қийматни чиқариб олиш амалиётига асосланган иқтисодиёт ҳамкорлик ва манфаатларни баҳам кўриш («sharing-economy») иқтисодиётига алмашмоқда. Бу эса бозордаги рақобат ўз ўрнини ўзаро манфаатли кооперацияга ва ҳамкорликка фаол бўшатиши, шу билан бирга, вертикал мулоқотдан ўзаро тенг муносабатлар ва бир-бирини тўлдирувчи хизматларга ўтишига умид уйғотади.

Тахминларга кўра, бу сервислар сонининг ортиши ва хизматларга доир электрон савдо ҳажмининг ўсишида ўз аксини топади.

Таъкидланишича, рақамли технологиялар иқтисодиётга боғлиқ 50 фоиздан ортиқ соҳаларни кескин ўзгартириб юборади. Ушбу қараш ахборот технологиялари ва рақамли платформалар бизнес моделларни кескин ўзгартириб, уларнинг самарадорлигини воситачиларни бартараф этиши ва жараёнларни оптималлаштиришига асосланган.

Жаҳон банки ҳисоб-китоблари биноан, тезкор интернет фойдаланувчиларининг 10 фоизга кўпайиши йиллик ЯИМ кўламини 0,4 фоиздан 1,4 фоизгача ошириши мумкин экан.

Шунингдек, рақамли иқтисодиётнинг мамлакат ЯИМдаги улуши ҳар йили тахминан 20 фоизга ўсиши (ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич 7 фоиз атрофида) унинг аҳамияти белгилайдиган кўрсаткич сифатида қаралади.

Республикамизда жойлашган ва фаолият кўрсатаётган Марказий банк ва барча банк тизимларига электрон иқтисодиётни тадбиқ этилмоқда. Элекртрон иқтисолиётнинг банклар тизимига киритилиши натижасида масофадан туриб юридик ва жисмоний шахслар томонидан карта олиш, кредит олиш,банк амалиётларини бошқариш,маълумотлар олиш,бюджет ва комунал тўловларни амалга ошириш, пластик карталар орқали пуллик хизматлардан фойдаланиш амалга оширилмоқда.

Банклар томонидан мижозларга хизмат кўрсатиш сифати ва тезлиги ошиб бормоқда.Банклар бошқа ташкилотлар билан маълумот алмашинуви жараёни тезлашмоқда.

Банклар томонидан юридик ва жисмоний шахсларни кредитлаш жараёнида хам рақамли иқтисодиётни жалб қилинганлиги мижозларнинг банк биносига келмасдан кредитни расмийлаштириб кредит олиши тезлашди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 20 августдаги қарорига асосан

ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ ДАРОМАД МАНБАИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

«Агробанк» АТБ, АТ «Халқ банки» ва «Микрокредитбанк» АТБ 2022 йил 1 мартдан дастурлар бўйича кредитларнинг тўлиқ рақамлашган ҳолда Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурларининг ягона электрон платформаси орқали ажратилишини таъминласин.

Бунда:

кредит олиш учун аризалар барча босқичларда онлайн тарзда кўриб чиқилади ва ҳар бир босқичда қабул қилинган қарор тўғрисида Ягона электрон платформа (СМС-хабарнома, электрон почта ёки шахсий кабинет) орқали маълумот бериб борилади;

кредит маблағларини ажратиш бўйича ҳужжатлар электрон кўринишда шакллантирилади ва масофадан имзоланади;

кредит олиш учун аризалар масофадан қарз олувчи томонидан мустақил равишда ёки тегишли маҳаллага бириктирилган ҳоким ёрдамчисининг кўмаги билан тақдим этилади;

Ягона электрон платформа орқали аҳолига ўзини ўзи банд қилиш учун кредитлар белгиланган мезонлар асосида скоринг баҳолаш натижаларига кўра, автоматлаштирилган ҳолда ажратилади;

ажратилган кредитлар ҳисобига товар ва хизматларни бозор тамойиллари асосида эркин сотиб олиш ёки сотиш Ягона электрон платформада яратилган «маркетплейс» тизими ёрдамида амалга оширилади;

ўз маҳсулот ва хизматларини сотиш бўйича таклифлар асбоб-ускуналар ва маҳсулотлар етказиб берувчи (иш бажарувчи) ташкилотлар (кейинги ўринларда — таъминотчилар) томонидан «маркетплейс» тизимида эркин жойлаштирилади;

таъминотчилар томонидан кўрсатилган хизматлар фойдаланувчилар томонидан баҳоланади ва уларнинг рейтинги автоматик равишда шакллантирилади;

таъминотчиларнинг ўз мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариши юзасидан мониторинг туман (шаҳар) оилавий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш марказлари томонидан амалга оширилади. Мониторинг натижаларига кўра, таъминотчиларнинг «маркетплейс» тизимидаги ўз хизматларини таклиф этиш имконияти даврий равишда ўрганиб чиқилади;

кредитлар қарз олувчига у томонидан мустақил танланган таъминотчи билан тузилган шартнома асосида келишилган нархда маҳсулот етказиб берилганидан (иш бажарилганидан) ва қарз олувчи томонидан қабул қилиб олингандан сўнг ҳамда ҳоким ёрдамчиси томонидан ўтказилган мониторинг натижасига кўра, қарз олувчини идентификациялаш орқали таъминотчига ўтказиб берилади;

ҳоким ёрдамчилари ўзига бириктирилган маҳаллаларда дастурлар доирасида ажратилган кредитлардан мақсадли фойдаланилишини ва уларнинг самарадорлигини мониторинг қилиб боради ҳамда кредитларнинг ўз вақтида қайтарилиши бўйича сектор раҳбарлари ва тижорат банклари билан биргаликда тегишли чораларни кўради.

Қуйида фуқаролар томонидан “Хар бир оила тадбиркор” қарорига асосан худудларида жойлашган тижорат банкларига бормасдан кредит расмийлаштириш кўрсатиб ва тушунтирилиб ўтилади. Қуйидаги бажариладиган ишлар фуқаро, хоким ёрдамчиси,таъминотчи фирма ва тижорат банклари томонидан OILA KREDIT электрон платформасида, SMART MARKET дастурида, MAXALLA платформасида, электрон имзолар орқали амалга оширилади

OILA KREDIT электрон платформаси орқали мижозлар томонидан аъриза берилади.

Фуқаролар худудида жойлашган Давлат хизматлари ягона дарчадан электрон калит ва парол оладилар.

Махаллалардаги хоким ёрдамчиси томонидан OILA KREDIT платформасида тавсифнома берилади.

Худудларига бириктирилган юқорида кўрсатиб ўтилган тижорат банкларида OILA KREDIT платформасида шаклланади. Тижорат банклари томонидан фуқаро билан кредит шартномаси электрон имзоси орқали имзоланади.

Фуқаро томонидан танланган таъминотчи фирмалар махсулотлари SMART MARKET дастурида кўриниб туради. Фуқаро томонидан SMART MARKET дастурида қўйилган махсулотлар танланади ва таъминотчи фирмалар билан олди сотди шартномаси амалга оширилади. Шартномалар масофадан туриб электрон имзолар орқали амалга оширилади.

Фуқаро ва таъминотчи фирмалар томонидан кредит шартномаси имзолангандан сўнг махалладаги хоким ёрдамчиси таъминотчи фирма томонидан бажарилган ишлар ва етказиб берилган махсулотлар кўриб чиқилади ва фуқаро томонидан таъминотчи фирмаларга этирози булмаса далолатномани MAXALLA платформасида электрон имзоси орқали имзолайди.

Фуқаро, таъминотчи фирма ва хоким ёрдамчиси томонидан кредит шартномаси ва далолатнома имзолангандан сўнг бириктирилган худудий тижорат банкларида OILA KREDIT электрон платформасида тўлиқ шаклланади.

Худудий тижорат банклари OILA KREDIT электрон платформасида тўлиқ шаклангандан сўнг банклар дастурларида фуқарога кредит анкетаси автоматик равишда очилиб қолади.

Худудий тижорат банкларида фуқаро мижос сифатида шаклланади ва кредит суммаси шартномага асосан таъминотчи фирма хисоб рақамига ўтказиб берилади.

Хулоса.

1.Рақамли иқтисодиётда фуқароларга масофадан хизматлар кўрсатиш такомиллашди.

2.Мижозлар банк биносига келмасдан фаолиятларини масофадан бошкармоқдалар.

3.Банклар мижозларга масофадан туриб хизмат курсатиш натижасида кредитлаш жараёни тезлашди ва турли хил оворагарчиликларга, қоғозбозликларга ва коррупцияга чекловлар қўйилди.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2022-2025 – йилларга мулжалланган банк тизимини ислох қилиш стратегияси тўғрисида”ги РФ-5992-сон фармони Тошкент ш .2020 -йил 12-май.

3. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг марказий банки тугрисида” ги конун.

4. “Банклар ва банк фаолияти тугрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартириш ва кушимчалар киритиш хақидаги 05.11.2019 йилдаги ЎРҚ -580-сон.

5.” ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА АҲОЛИНИНГ ДАРОМАД МАНБАИНИ КЕНГАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА”ги Ўзбекистон Республикасининг Президетинти 2021 йил 20 августдаги қарори .

6.https://patents.google.com/patentUS2344663

7. https://patents.google.com/patentUS2452418

WORDLY KNOWLEDGE